



Қонунчилек ва ҳуқуқ-тартибот учун!

Постма

ГАЗЕТА 1930 ЙИЛ

12 МАЙДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

• Ўзбекистон Республикаси ИИБ нашри • 2003 йил 18 сентябрь, пайшанба • 38 (3514)-сон

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

ҚАРОРИ

Муддатли ҳарбий, мұқобил хизматнинг белгиланган мұддатларини ўтаб бўлган фуқароларни бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирив тўғрисида

“Умумий ҳарбий маҗбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучлари сафларидан:

муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган мұддатларини ўтаб бўлган фуқаролар — резервга;

мұқобил хизматнинг белгиланган мұддатларини ўтаб бўлган фуқаролар — захирага бўшатилин.

2. 1976-1985 йилларда тугилган, чақирилиш мұддатини узайтириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари 2003 йилнинг октябрь-

ноябрь ойларида муддатли ҳарбий ва мұқобил хизматга чақирилсин.

Муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш мұддатини кечиттириш ва чақирилишдан озод этилиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бирок ушбу чақирив майданида Қуролли Кучлар сафига чақирилмайдиган шахслар сафарбарлик чақиривуви резервига олинисин.

3. Қоракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларни Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ва-

зирлиги билан биргаликда Қуролли Кучларнинг чақирилувчиликлар билан сифатли бутланишини таъминлаш мақсадида жойлардаги чақирив комиссияларининг самарали ишлашини ташкил этсинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни саклаш вазирлиги (Ф. Назиров) Мудофаа вазирлиги (К. Фуломов) билан биргаликда чақирив участкаларини зарур тибиёт асбоб-анжомлари

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2003 йил 17 сентябрь

ва буюмлари билан таъминлаш, чақирилувчиларнинг лаборатория текширувлари сифатли ўтказилишини, уларнинг турли ихтисослиқдаги юкори малакали врачлар томонидан ҳар томонлама тибий текшириб кўрилишини ташкил этсин. Чакирилувчиларни тибий текширишнинг холислиги мұқобил тибий комиссияларнинг самарали ишлашини ташкил этиш орқали таъминланисин.

«Ҳосил – 2003»

ДОЛЗАРБ МАСАЛАГА БАҒИШЛАНДИ

Сурхондарё вилояти ИИБда

2003 йилги пахта ҳосилини териб олиш даврида жамоат тартибини саклаш, йўлларда ҳаракатланиш ва ёнгин хавфсизлигини таъминлаш борасида вилоят ички ишлар идораларининг вазифалари ҳамда олиб борилаётган тайёргарлик ишларига багишланган тезкор ўйғилиш бўлиб ўтди.

Кун тартибидаги масала бўйича вилоят ИИБ бошлиғининг ўринбосари, милиция полковниги И. Қалқоновнинг маъруzasи тингланди. Шунингдек, вилоят ИИБ ЙХХБ бошлиғи, милиция полковниги С. Эшонкулов, вилоят ИИБ ЁХБ бошлиғи, милиция подполковниги А. Мирзакулов ва бошқалар ахборот бердилар.

Тезкор ўйғилишда иштирок этган республика Ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари, милиция генерал-лейтенантни Б. Матлюбов “Пахта – 2003” тадбирини уюшқолик билан ўтказишида вилоят ички ишлар ходимларининг олдида турган вазифалар тўғрисида гапириди.

С. НОРМУРОДОВ.

ТАРАДДУД

Тошкент вилояти ИИБда бошқарма раҳбарияти, ЙХХБ, ЁХБ ҳамда пахта етиширилаётган туманлар ИИБ бошлиқлари иштироқида мажлис бўлиб ўтди.

Бошқарма бошлиғи ўринбосари, милиция полковниги У. Абдуллаев республика Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил пахта ҳосилини ўйғишириб олиш билан боғлик ташкилий чора-тадбирлар хусусидаги қарори ижросини таъминлаш юзасидан ишлаб чиқилган режалар ҳақида хисобот берди.

Шундан сўнг туманлар ИИБ бошлиқларининг кўнши республикалар билан чегарадош ҳудудларга пахта ҳосилини олиб чиқиб кетиш, талон-торож қилинишига йўл кўймаслик борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ахбороти тингланди.

Йиғилишда республика Ички ишлар вазирининг ўринбосари, милиция полковниги Х. Зокиров иштироқ этди ва сўзга чиқди.

Ўз мухбirimiz.

МАВСУМ МУВАФАҚИЯТИ ҲАММАМИЗГА БОҒЛИҚ


Навоий вилояти ИИБда бўлиб ўтган тезкор ўйғилиш шу куннинг долзарб юмуши – пахта йигим-теримига тайёр гарликнинг ахволи, мавсум жараёнида жамоат тартибини саклаш, йўл ҳаракати ва ёнгин хавфсизлигини таъминлаш, бу борада ички ишлар идоралари ходимлари томонидан амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларга багишланди.

Йиғилишни бошқарма бошлиғи, милиция полковниги А. Назиров очди. Шундан сўнг вилоятда мавсумга тайёргарлик ишларининг бориши юзасидан бошқарма бошлиғининг ўринбосари, милиция подполковниги А. Шакаровнинг ахбороти тингланди.

Иштироқчилар кўрилаётган масала юзасидан ўз мuloҳазаларини баён этишиди.

Йиғилишда республика Ички ишлар вазирининг ўринбосари, ички хизмат генерал-майори Р. Кодиров сўзга чиқиб, шу кундаги долзарб вазифаларга тўхталди.

Н. РАҲИМОВА,
милиция капитани.



Суратларда: туман ИИБ катта тезкор навбатчиси, милиция катта лейтенанти Жаҳонгир Холмуродов ҳамда навбатчи ёрдамчиси, милиция старшинаси Давлатбой Мадраимовлар чегара ҳудудидаги ахвол билан танишишмоқда.

ИИБ ҲООБ бошлиғи, милиция майори Ўролбой Ўразов профилактика инспектори, милиция капитани Рустам Оллаберганов ҳамда Ҳалимбек овли фуқаролар йигини раиси Озод Аҳмедовлар билан маҳаллада осойишталини таъминлаш юзасидан сұхбатлашти.

Жумабой ҚОЗОҚ олган суратлар.



UCHINCHI

TANIQLI KISHILAR BILAN UCHRASHUV,
HAJVIYA, XANDALAR, KROSSVORD,
SKANVORD, MUNAJJIMLAR BASHORATI,
HAYRATOMUZ VOQEALAR,
SPORT YANGILKLARI, INTERNET XABARLARI

«Постма»
gazetasining ilovasi




TVOLAM

Нукус шаҳри 70 ёшда

Қорақалпогистон Республикаси пойтакти Нукусга шаҳар мақоми берилганига 70 йил тўлди. Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб шаҳар ўзига хос равишда чирой оча бошлади. Тўйга тўёна сифатида пойтакт марказида амфитеатр, болалар спорт маркази, Нукус аэропорти, Қорақалпогистон санъат музейи, Бердах номидаги мусиқали театр, спорт саройи каби қатор иншоотлар қурилиб, фойдаланишга топширилди.

ТАНТАНАЛАР КЎНГИЛДАГИДЕК ЎТДИ

— Нукус шаҳрининг ет-миш йиллiği тантанасига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш мобайнида жамоат тартибини сақлаш, ёнгин ва йўл ҳаракати хавфсизлиги таъминлаш бўйича ички ишлар ходимлари томонидан амалга оширилиши лозим бўлган ташкилий ва амалий тадбирлар белгиланди, — дейди Қорақалпо-



гистон Республикаси ИИВ ППХ ва ЖТСБ бошлиғи, милиция подполковники А. Жаналиев. — Шаҳарда тезкор вазияти барқарорлаштириш, фавқулодда ходисалар, террорилик, кўпорувчилик ҳолатлари рўй беришининг олдини олиш, намунали жамоат тартибини сақлаш мақсадида ходимлар масъулияти

идоралари профилактика хисобида турган уч мингдан ортиқ шахслар, шунингдек, диний-экстремистик оқимларга мансуб, ўқотар куролларга эга фуқаролар билан сұхбат ўтказилди. Икки юзга яқин муҳим ва ўта муҳим обьектлар, саккиз юзга яқин биноларнинг чордоқ ва ертўлалари текширилди.

Ана шундай сайд-ҳаракатлар натижасида байрам тадбирлари, ҳалқ сайиллари тинч, осойишта ўтди. Тантаналарда иштирок этган ҳар бир киши жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлиги юқори даражада таъминлангани, демакки, ҳукуқ-тартибот идоралари ходимлари ўз постларида сергак туришганини хис этиди. Президентимиз томонидан 70 йиллик тўйи муносабати билан "Дўстлик" ордени топширилган Нукус шаҳрида яна одатдаги фаронов ҳаёт давом этмоқда. Осоишталик посбонлари зиммаларидағи бурчни кун-тун бирдек масъулият билан адо этмоқдалар.

**Шаҳзода
ХУДОЙБЕРДИЕВА.**

Миннатдорчилик мактуби

ДУОИ ЖОНЛАРИНГИЗНИ ҚИЛАМАН

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, ички хизмат генерал-полковниги Зокиржон Алматов номига узок йиллар ёнгин хавфсизлиги хизматида меҳнат қилиб, пенсияга чиқсан кекса отахондан миннатдорчилик мактуби келди. Куйида уни эътиборингизга ҳавола қиласиз.

Хурматли Зокиржон Алматович! Ўғлим Мирқодир Жўрақулов 1998 йилда хато қилиб, ваҳҳобийлик оқимиға кўшилиб қолган ва ўша гурух мажлисларига қатнашган. Мен буни билб қолиб, бундай Ватан хоинлари йигилишларига бормасликни айтиб, койидим ва уни бу йўлдан қайтардим. 2001 йилни Мирқодир қатнашган гурух аъзолари қамалди. Ўғлим эса қаердадир яшириниб юрди. 2002 йил декабрь ойида Президентимизнинг экстремистик ташкилотларга адашиб кириб қолган шахсларни кечириш ҳақидаги Фармони эълон қилингач, у ўйга қайтиб келди. Унга катта ўғлим Миракбар билан қилган ишлари хато эканини тушунтирганимизда ўзи ҳам бундан қаттиқ пушаймонлиги, ўз ихтиёри билан милицияга учрашмоқчилигини айтди. Шундан сўнг ўтган йил 22 декабря С. Раҳимов тумани ИИБга борди.

Лекин Мирқодирга нисбатан республика Ички ишлар вазириларига "иш" очилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилаётгани учун уни вазирлик ихтиёрига ўтказиши. Буни эшитиб, жуда кўркиб кетдик. Чунки бу ерда сақланади-

ган одамлар азобларга солинади, натижада қилмаган жинояти ҳам бўйинга олади, биздек оддий фуқароларни қабулига киритмайдиган, ҳатто гаплашиши ҳоҳламайдиган ходимлар ишлашади, деб эшитган эдим. Бундай гапларга ишониб, жуда катта хатога йўл кўйган эканман.

Терговчи Шаҳзод Раҳматуллаев менинг келганимни эшитиб, дарҳол ўзи ташқарига чиқди ва хонасига олиб кириди. Суҳбат чоғида жиноячининг отаси эмас, балки бир обрўли одам билан гаплашгандек мумомала қилди. У ўғлим билан учраштириб, Ички ишлар вазириларига қамалганларни уриб, азоблашади, деган гумонларимни пучга чиқарди. Шунда кўнглим анча таскин топди. Терговчи томонидан тергов давомида бирорта ҳам қонунсиз ҳаракатлар, мен ва оила аъзоларимга нисбатан чекланишлар қилингани йўқ. Аксинча, терговчилар Шаҳзод Раҳматуллаев, Нишонбой Бегмалов, бошқарма бошлиғи ўринбосари Убайдулла Қаршибоев ариза, даъволяримни синчковлик билан текшириши.

Тергов Бош бошқармаси бошлиғи Алишер Шарафутдинов ҳам қабулига кирга-

нимда: "Ота хавотир олманг, агар ўғлингиз давлатимизга қарши қаратилган ҳаракатлар, жинояларда қатнашмаган, экстремистик гурухга адашиб кириб қолган бўлса, тергов давомида текшириб, уни озодликка чиқариб юборамиз", деганда шунчаки менга раҳми келиб, овутиш учун айтилган гаплар бўлса керак, деб ўйлаган эдим. Ҳақиқатан ҳам Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани суди томонидан ўғлимга нисбатан Президентимизнинг амнистия тўғрисидаги Фармони кўлланиб, уни кечиришиди.

Мен қамалганларни фагатина пул бериб озодликка чиқариш мумкин, деган фикрлар нотўғри ва ҳукуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларига нисбатан жиноячилар, Ватанимиз душманлари томонидан ўйлаб чиқарилган уйдирма, бўхтон гап эканлигида ишондим.

Хурматли Вазир, юкорида номлари келтирилган ўз касбининг жонкуяри, бегараз ва соғдил кадрларни тарбиялаб етиштирганингиз учун Сизга мингдан-минг раҳматлар айтаман.

Оллоҳдан Сизга узок умр, баҳт-саодат, Ватанимиз, ҳалқимиз тинчлиги, осойишталигини таъминлаш, жиноячиларга қарши курашдаги машақатли хизматингизда мувafferакиятлар тилайман. Сизни дуо килиб қолувчи:

**Ёқубжон ЖЎРАҚУЛОВ,
Тошкент тумани.**

ИИВ АХБОРОТ МАРКАЗИ: КЕЧА ВА БУГУН

Бундан саксон йил муқаддам "Ички ишлар комисарлигининг статистика бўлими тўғрисидаги Низом" тасдиқланган эди. Ўзбекистон ички ишлар идоралари ахборот хизмати тамал тошини С. Самоквасов, А. Колесников, Н. Мочалов, А. Аминов, М. Тўхтабоев сингари тажрибали мутахассислар қўйишган. Дастилаб ИИВ биринчи маҳсус бўлими деб номланган бу хизмат 1971 йилдан Ахборот маркази деб атала бошланди. Я. Чернов унинг бошлиғи этиб тайинланди.

Хусусан, саксонинчи-тўқсонинчи йилларда республика ички ишлар идоралари ходимлари жиноячиларга қарши мувafferакият билан курашишида марказнинг роли ва аҳамияти ошиди. Бу даврда 19 йил мобайнида республика ИИВ Ахборот марказига Марат Маҳмудов раҳбарлик килди.

Юртимизнинг мустақилликка эришиши мазкур хизматнинг ривожланишига ҳам ижобий таъсир кўрсатди. Жинояларни ҳисобга олишнинг ягона тизими яратилди. Тезкор-қидирив мақсадларига қаратилган янги автоматлаштирилган ахборот-қидирив тизимлари ишлаб чиқиди ва амалиётга татбик этилди.

Техник таъминот ҳам тубдан яхшиланди. Ҳозирда Ахборот маркази энг замонавий компьютер техникиси воситалари билан жиҳозланган. Улар ёрдамида ҳар йили икки миллиондан зиёд сўровлар бўйича жавоблар тайёрланади. Бу эса жинояларнинг фош этилишига, қидиривдаги жиноячилар ва бедарар йўқолган шахсларнинг тоилишига, мурдаларнинг шахсини аниқлашга ёрдам беряпти.

Республика ИИВ Ахборот маркази ходимларининг фидокорона ва самаралар хизматини давлатимиз муносаби тақдирлаб келяпти. Жумладан, Я. Черновга "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист" фахрий унвони берилган. М. Маҳмудов ва А. Девятов (Тошкент шаҳар ИИБ Ахборот маркази бошлиғи) "Дўстлик" ордени билан мукофотланганлар.

Ш. МИРТУРСУНОВ,

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ахборот маркази бошлиғи,
ички хизмат полковниги.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Инсон ҳукуқлари бўйича вакили (Омбудсман) томонидан 15-17 сентябрь кунлари Фаргонга вилоятида "Олий Мажлиснинг Инсон ҳукуқлари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисида"ги ҳамда "Фуқаролар мурожаатлари тўғрисида"ги Қонунлар ва беморларнинг ҳукуқларига риоя этилишига багишилган мониторинг ўтказилди.

МОНИТОРИНГ ДОИРАСИДАГИ УЧРАШУВ

Мониторинг доирасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Инсон ҳукуқлари бўйича вакили С. Рашидова вилоят ИИБда бўлиб, бошқарма раҳбарияти, ЖҚ ва ТҚҚБ, тергов хиз-

мати ходимлари, 10- ва 11- тергов ҳибсонаси раҳбарияти билан учрашиди.

Учрашувни вилоят ИИБ бошлиғи вазифасини бажарувчи, милиция полковниги

А. Тошхўжаев кириш сўзи билан очди.

Сўзга чиқсан С. Рашидова Ўзбекистонда Омбудсман институтининг фаолияти, фуқароларнинг ҳукуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича олиб борилаётган ишлар, бу борада бажарилиши лозим бўлган вазифалар тўғрисида гапирди.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари Ҳ. Каримов, Омбудсманнинг минтақавий вакили Ю. Нисонов, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Ҳ. Ҳожираҳматова ва бошқалар вилоядада инсон ҳукуқларининг таъминланиши бўйича олиб борилаётган ишлар тўғрисида фикр юритдилар.

М. КИМСАНБОЕВ.

МАҲОРАТЛАРИНИ ОШИРИШАДИ

Республика ИИВ ППХ ва ЖТСБда ўтказилаётган семинар-кенгаш ички ишлар идоралари кинология хизматлари портловчи моддаларни қидириб топиш бўлинмалари бошлиқларининг касб маҳорати ва билим савиясини оширишга багишилди.

Уни республика ИИВ ППХ ва ЖТСБ бошлиғининг биринчи ўринбосари, милиция подполковниги Р. Аширматов кириш сўзи билан очиб,

кинология хизматининг тинчлик ва осойишталикни сақлаш, жамоат хавфсизлигини таъминлашдаги ўрнига тўхталди.

Иштирокчилар учун давомида портловчи моддаларни қидириб топиш, оммавий тадбирлар ўтказиладиган обьектларга яқин жойларни хизмат итлари билан текшириш ва бошқа долзарб масалалар бўйича маърузалар тинглашади, амалий машгулотларда иштирок этишади.

Ўз мухбиримиз.



Орамизда шундай инсонлар борки, улар умрлари давомида асрларга татигулик ишларни амалга оширишади. Бундай одамлар ўз ҳаётларини фақат эзгулик, теварак-атрофдагиларга яхшилик қилиш, уларни тўғри йўлга бошлишга багишлашади. Мамлакатимизда адолатни қарор топтиришга бор билими, куч-ғайратини баҳшида этган ана шундай фидойилардан бири Исмоил ака Набераев ҳисобланади.

Исмоил аканинг болалик даври Самарқанд шахрида ги Муллақандов маҳалласида ўтди. Отаси Наберахўжа то умрининг охиригача шахардаги 3-тўлиқсиз ўрта мактабда ишлади. Онаси Ҳикоят ая эса "Аёллар меҳнати" артелида чевар эди.

1937 йили ота-онасидан ажralиб қолган Исмоил

етим бўлиб қолди. У қариндошлари эшигига аранг кун кўриб, СамДУ қошидаги ишчилар факультетини тутади. Сўнгра Ургут туманинаги Холмат қишлоқ кенгашига қарашли мактабда бошланғич синфларга дарс берди. Кўп ўтмай уруш бошланди. Ёш қишлоқ муаллими ҳарбий хизматга чақири-

либ, 1942 йилнинг сентябрь ойида Харьков шаҳрида жойлашган пиёда аскарлар тайёрлайдиган ҳарбий билим юртига жўнатилди. 1943 йил ноябрь ойининг охирида Исмоил Набераев кичик лейтенант унвони билан жаннга кирди. 1944 йил қаршатон январь ойида Украина нинг Днепр дарёси соҳилларидаги шиддатли жанглардан бирида 7 жойдан яраланди. Икки кечакундуз ўлим билан олишган Исмоил ўз қисмiga эмаклаб етиб қолди. Харьков, Тамбов шахрларидаги госпиталларда даволаниб чиқкандан сўнг 62-ўкув-курув полканинг взвод сардори, 16-захирадаги курувчилар дивизиони 101-ўқичлар полканинг взвод сардори бўлди. Фронтдан 1945 йил-

нинг кузидаги соғ-омон ўз юртига қайтиб келди.

Исмоил ака Набераев урушдан кейин Тошкент юридик мактабини тутатиб, узоқ йиллар ҳуқуқни муҳофиза қилиш идораларида фаолият кўрсатди. Самарқанд вилояти ижроия кўмитасининг адлия бўлимида, шаҳар прокуратураси ички ишлар идораларида ишлаган пайтлари хеч қачон инсон тақдирiga бефарқ қарамади ва шогирдларидан ҳам шундай бўлишини талаб қилди. Умрининг 43 йилини теров, прокуратура соҳаси билан боғлади. Қанчадан-қанча мураккаб тақдирларга дуч келди, адашган одамларни тўғри йўлга бошлиш учун бутун куч-имкониятини ишга солди. Шу боис ҳам у киши шогирдлари наздида

ҳамон ўта босиқ, вазмин, мулоҳазали, билимдан, теров жараёнда эҳтиросларга берилмай, одил фикрловчи инсон сифатида гавдаланди.

Исмоил аканинг саъиҳаракатлари натижасида Каттакўрғон шаҳрида "Спорторг" дўконига уя кўйган бир гуруҳ уюшган жиноятчилар, Жомбай тумани марказидаги безориларнинг кирдкорлари фош этилди. Исмоил ака ўз фаолияти давомида ички ишлар идоралари обрўсини кўтаришга ҳаракат қилди. У ишлаган пайтлarda вилоят ички ишлар бошқармаси теров бўлимининг кўрсаткичи республикада юкори ўринларда туради.

Исмоил ака урушдаги ҳаракатлари хизматлари,

ҳуқуқ-тартибот идораларидағи фидокорона меҳнатлари учун бир қатор ҳукумат мукофотлари билан тақдирланди. У киши яқин вакъларгача Самарқанд вилояти ички ишлар бошқармаси фахрийлари жамоасини бошқарди.

Исмоил Набераевнинг ҳуқуқ-тартибот соҳасидаги ишларини нафакат шогирдлари, балки фарзандлари ҳам давом эттироқмода. Айни пайтда 9 фарзанд ва набиралардан беш нафари ҳуқуқ-тартибот соҳасида фаолият кўрсатишади. Шу кунларда Исмоил ака табаруқ 80 ёшли қаршиламоқда. Эл ўртасида обрў-эътибор қозонган отахонга сиҳат-саломатлик, чинор умридек узок умр тилаймиз.

У. ДУСТБЕКОВ,
истеъфодаги милиция
полковники.

«Жасорат» медали соҳиблари

Кўксини қалқон қилиб

Яхши ишлар қилиш ва бундан ҳузурланиш бегараз, фидойи кишиларга хос фазилатдир. Самарқанд шаҳар Темирйўл туманинаги ҳарбийлаштирилган ёнгин хавфсизлиги қисми экипаж сардори, ички хизмат катта сержанти Баҳодир Гаиров ана шундай инсонлардан. Уни биринчи бор кўрганингизда содда ва камтарлигини шундок юз-кўзидан билиб оласиз.

... Шу куни Баҳодир болалик билан ҳайрлашиб (унинг учаранди бор), қисмiga келди. Иш куни одатдагидек ўта бошлиди. Аммо кутилмаганда сирена овозди янграб, кетидан "Экипаж тайёрлансинг!" деган бўйрўк берилди. Кўпқаватли уйнинг биринчи қаватида жойлашган кимёвий тозалаш корхонасида ёнгин юз берган эди.

Гаировнинг экипажи воқеа жойига етиб келганида бинонинг учдан бир қисми алантга ичидаги қолган эди.

– Ичкарида одам бор! – деди тўпланиб турганлардан бири.

Баҳодир биринчилардан бўлиб

аланга ичига отилди. Экипаж ёнгинни ўчиришга киришди. Гаиров олов ва тутун ичидаги қолган одамни топганича анча машақкат қечди. Жабрдийда эрзак киши экан. У полда беҳуш ётари.

То "Тез ёрдам" етиб келгунча Б. Гаиров унга дастлабки ёрдам кўрсатиб, ҳаётини саклаб қолди.

Баҳодир ўз экипажи азолари билан кўплаб самарқандликларни олов домидан олиб чиқкан. Улар орасида болалар ҳам бор.

– Чорасиз қолган пайтларимиз хам бўлган, – деди афсус билан буш чайқаб қаҳрамонимиз.

"Олов ичига кириш кўркничи эмасми", деган саволга Гаиров шундай жавоб қайтарди:

– Аввалига киши ҳайқади, кейин кўнишиб қолади. Олдингизда инсон ҳаётини кутқариш вазифаси турганда кўркувни унусасиз...

Б. Гаиров ишчи оиласида туғилди. Ўрта мактабни тутатиб дурадгорлик касбini эгаллади. Ҳарбий хизматдан қайтгача автомобиль йўллари коллежида ўқиди. 1995 йилдан бўён қадрдан жамоасида ишлаб келти. Ёнгин хавфсизлиги хизмати фахрийлари Мамашариф Ёкубов ва Фозил Солиевларни ўзининг устози деб билади.

Ҳамкаслари у ҳақда тўлқинланиб шундай дейишиди:

Феруза Матлубова, ички хизмат сержанти, диспетчер:

– Баҳодир ака жуда ҳуշфөйл инсон. Доимо бошаларга ёрдам бершига тайёр. Ҳамманинг хурматини қозонган, шахсий таркиб учун ўрнан.

Шомил Эргашев, ички хизмат капитани, катта инспектор.

– Баҳодир билан 1995 йилдан



бери бирга ишлаймиз. Ўтган давр ичидаги интизомли, ўз ишини пухта биладиган ходим эканлигини кўрсатди. Тўғрисиз, ҳалол ийтгат.

Хасан Ҳатамов, ички хизмат капитани, ҳарбийлаштирилган ёнгин хавфсизлиги кимоя қилиш бўлишини бошлабилди:

– Баҳодир Гаиров масъулиятни чуқур ҳис қиласи. Кўли гул лигит. Бўш вақтида зарур бўлса қисмимиздаги дурадгорчилик ишларини ҳам бажарип кетаверади.

Ички хизмат катта сержанти Баҳодир Гаиров мустақиллигимизнинг 12 йиллиги байрами арафасида "Жасорат" медали билан тақдирланди.

Д. САЛОҲИТДИНОВА.

«Шуҳрат» медали соҳиблари

«ДИҚҚАТ, ЭКСПЕРТ ЧАҚИРИЛАДИ!..»

тегиши экинлиги аниқланди, у кўлга олингандаги далилий ашёва экспертиза холосаси олдида охиз қолиб, қылган жиноятини бўйнига олди.

Криминалистика соҳасида катта тажриба тўплаган А. Сагираевнинг меҳнат фаолиятида бундай воқеалар кўп учрайди. Сурхон воҳасида туғилиб ўтсан бу камтарин ва тиришқоқ, ийит дастлаб Музработ тумани ИИБ хузуридаги қўриқлаш бўлинмасида милиционер бўлиб ишлайди. Собиқ иттифоқ ИИБ Волгоград олий мактабини тутатгач, Термиз шаҳар ИИБ экспертиза-криминалистика гурухининг экспертиза ва ҳисобга олиш эксперти этиб тайинланди. У ўз устида ишлаб, ўқув даврида олган назарий билимни амалий жиҳатдан мустаҳкамлаб борди. 1993 йил Абдумажиддаги танланган соҳасига қизиқиш, жиноятларинг очилишида фаоллик кўрсатаётганинг инобатга олган раҳбарият уни вилоят ИИБ экспертиза-криминалистика бўли-

орқали ўлдирадилар. Босқинчлар 100.000 сўм пул ва сарик металлдан ясалган иккита узукни олиб, гойиб бўлишади.

Мазкур ҳолат бўйича ҳодиса жойи кўздан кечирилганда тезкор гурух сафиди бўлган Абдумажид Сагираев хонадаги арок ва "Нестле" ичимлигидан бўшган шишалар, хонага кираверишдан топилган ошпичоқдан қўл бармоқ изларини олди. Шундан сўнг дактилоскопия экспертизаси ўтказганда улар юқоридаги жиноятни содир этишида гумон қилинган Т. Аббосга тегиши экинлиги аниқланди. Бу эса котилликинг фош этилишида жуда кўл келди.

Милиция майори А. Сагираев ҳуқуқбузарликларга қарши кураш, уларнинг олдини олиш, содир этилган жиноятларни ўз вақтида очиш борасида юқори кўрсаткичларга эришгани учун мустақиллигимизнинг 12 йиллиги арафасида "Шуҳрат" медали билан тақдирланди.

– Ушбу мукофот зиммамга янада кўпроқ масъулият юклаб, халқимга, Ватанимга астойдил хизмат қилишга унди, – деди эксперти уни юксак мукофот билан табриклишга келган ҳамкаслари.

Ш. САҶДИЕВ.



Тунда Олтинсой туманинаги Бобур номли ширкат ҳўжалигигининг "Янгиқурилиш" маҳалласида жойлашган автомobiliлар таъмиrlash устахонаси ичидаги "кўлбала" жувозхонадан фуқаро Эргаш Жабборовнинг жасади топилди. Воқеа жойини синчилаб кўздан кечирган тезкор гурух аъзолари ётиборини шу ерда ётган қоғоз парчаси тортди. У кимнингдир хати эди.

– Хатшунослик экспертизаси ўтказиш керак, – деди вилоят ИИБ экспертиза-криминалистика бўлими Абдумажид Сагираев. – Эҳтимол бу котиллининг изига тушишимизда аскотар.

Ҳақиқатан ҳам шундай бўлди. Хатшунослик экспертизасида дастхат фуқаро Ж. Мулкамолга

Ҳуқуқий жамият сари

МАРКАЗИЙ КОМИССИЯ ФАОЛИЯТ КЎРСАТМОҚДА

Республика Ички ишлар вазирлиги Ҳайъатининг шу йил май ойида бўлиб ўтган мажлисида ички ишлар идоралари ходимлари томонидан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимоя қилиш, шахсий таркиб ўтасида хизмат интизомини мустаҳкамлаш, қонунчилик бузилиши ҳолатларининг олдини олиш борасида қатор амалий тадбирларни ўтказилиши лозимлиги таъкидланган эди. Бунда асосий эътибор ички ишлар идоралари фаолиятида инсон ҳуқувлари таъминланишининг ахволи, фуқароларнинг конституцияий ҳуқуқ ва эркинликлари бузилишининг олдини олиш, шунингдек, маъмурий ҳуқуқбузарлар, жиноят содир этилнида гумон қилинувчилар, айланувчилар ҳамда маҳкумларга турли тазииклар ўтказилиши ҳолатларига тўлиқ барҳам бериш лозимлигига қаратилганди.

Қайд этилган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида вазирликда фуқаролар ҳуқувларини ҳимоя қилиш бўйича Марказий комиссия ташкил этилиб, ички ишлар идоралари фаолиятида конунчиликни мустаҳкамлаш, инсон ҳуқувлари ва эркинликларни таъминлаш юзасидан бажарилиши лозим бўлган тадбирлар Дастури тасдиқланди.


Айни пайтда Марказий комиссиянинг ишчи гурухи фаолият юритмоқда. Шунингдек, ИИВ Жазони ижро этиш, Ички ҳамда Коровул кўшинлари Бош бошқармалари, ИИВ тизимида таълим мусасасалари, Коракалпогистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ИИБ, вилоятлар ҳамда Транспорт ИИБларида ҳам ана шундай комиссиялар иш олиб бораяпти.

Марказий комиссия Дастурда кўзда тутилганидек, инсон ҳуқувларини ҳимоя қилишда бевосита мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган Иинсон ҳуқувлари бўйича марказ, Олий Мажлиснинг инсон ҳуқувлари бўйича вакили (Омбудсман), Европа Ҳавфсизлик ва Ҳамкорлик кенгаси каби демократия институтлар ва халқаро ташкилотлар билан яқин алоқа ўрнатган. Жойлардан келиб тушаётган маълумотлар ишчи гурухи томонидан таҳлил қилиниб, инсон ҳуқувларини поймол қилиш ҳолатларига йўл қўйилиши, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ўрганилмоқда ҳамда келгусида бундай сал

УЧИНЧИ TANIQLI KISHILAR BILAN UCHRASHUV, HAJVIYA, XANDALAR, KROSSVORD, SKANVORD, MUNAJJIMLAR BASHORATI, HAYRATOMUZ VOQEALAR, SPORT YANGILIKLARI, INTERNET XABARLARI

«Постма» gazetasining ilovasi

TV VOLAM



Заҳар. Бу сўз жиноятчанинг ҳам, бўлажак қурбоннинг ҳам этини бирдай сескантируса керак. Одамлар заҳарлашнинг не-не йўлларини ўйлаб топишмаган дейсиз. Заҳарни овқатга, ичимликларга қўшишган (ҳозир ҳам қўшияпти!), узук кўзида сақлашган, ниналар ва тўғнағичларнинг учига суришган, қўлқоллар, пойабзаллар, ичкимлар ва ҳатто китобларга шимдиришган.

Замонлар ўзгаряпти, алмашиняпти. Аммо рашку хиёнат, ўғирлигу ҳасад, хуллас разолат ўша-ўшалигича қолмоқда. Балки шу сатрларни ўқиб турган чоғингизда ҳам кимдир заҳар қўшилган майни (ёки чойни) ўзи билмаган ҳолда ичишга чоғланиб тургандир...

ЗАҲАР

УНДАН КЎПИНЧА ҚОТИЛЛИКДА ФОЙДАЛАНИШГАН!

ХОНИМНИНГ УЗУГИ

Аксар тарихчиларнинг фикрига кўра, заҳарловчилар ичди энг "сермаҳусули" Франция кироли Генрих II нинг хотини Екатерина Медичи бўлган. У оз эмас, кўп эмас уч юзтасча кишини нариги дунёга равона қилган. Жумладан, ўғли қирол Карл IX нинг севимли китоби варакларига маргимуш шимдирган. Ўзига ёқмайдиган бир хонимга заҳар суркалган лаб бўёғи ҳади қилган. Жанна Наварскаянинг қўлқолига заҳар сурган. Кироличанинг "энг севимли" заҳарлаш усули бу винога заҳар қўшиш бўлган. Аммо шундай устаси фаранг ҳам омадсизликка учраган пайтлар бўлган. Масалан, йигирма мартадан ортиқ уринган бўлса ҳам, кўёви Генрих Наварскийни заҳарлашга мудаффақ бўлмаган.

Энг машҳур заҳарловчилардан яна бири А. Дюманинг "Уч мушкетёр" романи қаҳрамони бўлган тарихий шахс Миледидир. У заҳарни узуги кўзида сакларди. Заҳар ёрдамида эри, бир неча ўйнаши ва кўплаб фанимларидан холос бўлган.

Заҳарловчилар бўлажак қурбонларининг ҳар қандай одатидан усталик билан фойдаланишган. Масалан, турк сultonларидан бири шахмат ўйини чоғида навбатдаги юриш устида ўйлаётганда оёғини диваннинг фидригига ишқалар экан. "Олампаноҳ"ни асфаласофинга жўнатиш учун ўша гидиракка заҳар сурб кўйишган. Бошқа бир сultonнинг соч-соқолини сартарош заҳар суркалган устара билан қирган...

Бу каеб эгалари орасида римлик аёлларнинг олдига тушадигани бўлмаган. Қадимий шаҳарда уларнинг бутун бошли жамоаси фаолият кўрсатган. Бу аёл-

лар буюртмачиларнинг жонига теккан эрлари, жазманларини ўлдириш билан шуғуланишган.

Францияда ҳам XVII асрда бир неча аёл шу хунари туфайли ном қозонишган. Уларнинг энг машҳури де Войсин хоним бўлиб, 1679 йил апрелида Парижнинг Грэв майдонида гулханда ёқилган. У заҳарларнинг хусусиятларини шунчалик чукур ўрганганки, қурбонларини ўзи истаган касалдан, дейлик юрак хуружидан ёки ошқозон хасталигидан ўлганга ўхшата олган. Ўша пайтлар заҳарлар дорихоналарда бемалол сотиларди. Улардан оз-оз миқдорда ишлатиб, даволаш мақсадларида фойдаланишган.

ДЕ Войсин хоним касбу кори орқали ҳаётини хавф остида қолдираётганини билган, албатта. Аммо олаётган хизмат ҳақларининг салмоги уни эсанкиратган. Колаверса, қурбонни бевосита заҳарлашдек "кора иш" билан буюртмачиларнинг ўзлари шуғуланишган.

ЗАҲАРЛАШ ФАНИ МАГИСТРЛАРИ

Бутун дунёда ҳукмдорларни заҳарлаш кенг тарқалган. Шунинг учун улар ҳузурларида таромларни татиб кўрувчи маҳсус кишилар – баковуллар бўлган. Бу чора ҳам кўп ўтмай иш бермай кўяди. Тез ўлдирувчи заҳарлар ўрнига секин таъсир қилувчилири ўйлаб топилади. Энди бўлажак қурбонлар узок вақт этлари увишиши, ўйтал, қон туфлашдан қийнилашибди, не азобларда жон беришибди. Кутқаруб қолингланлари ҳам бир умр ногирон бўлиб қолишибди.

Бу Фаннинг ҳам бакалавру

магистрлари бўлган. Улардан бири римлик аёл Лукуста эди. Император Клавдийнинг хотини Агринина, кейинчалик эса император Нерон тез-тез унинг "хизмат"идан фойдаланиб туришарди.

Сўнгги "мижоз" нафакат Лукустанинг "самарали ишлаши" учун барча шарт-шароитларни яратиб берди, балки унга ўлганидан кейин шогирдлар тайёрлашини буюрди. Лукуста фақат император Гальба ҳукмронлиги давридагина муносиб жазосини олди. Шундан сўнг Римда заҳарланишлар сони кескин камайди.

Үрта асрларда италиялик аёл Лукреция Борджианинг ҳам омад юлдузи порлади. Унинг номи шафқатсизлик ва разолат рамзи бўлиб қолди. У "кантарелла" деб аталган антика заҳар ўйлаб топган. Бу заҳарни тайёрлаш учун тирик чўчқани орка оёғидан осишган. Сўнг то ўлганича уришган. Чўчка ўлиги чириб бўлгач куритилган ёки суюлтирилган ҳолда "кантарелла" заҳарининг асосини ташкил этган. Бу заҳар овқатга, ичимликларга ширин таъм берган. Кучли заҳарланган киши кайфим ошиди, деб ўйлаб ўйқуга кетган... ва қайтиб ўйғонмаган. Камрок дозада заҳар берилган киши эса бир неча ой азоб чеккан. Унинг мажоли қуриган, териси ажин билан қопланган, сочи оқариб, тишлари худди кумдек уваланиб тушган. Уйқусизлик бошланган. Шўрлик бир неча ой ичди мункиллаб қолган қарияга айланган ва азоб ичди жон берган. Шунда марҳумнинг яқинлари ёки танишларидан кимдир у ярим йилми-бир йилми олдин Борджи хонимнинг уйидаги зиёфат чоғида бир стакан шароб ичганини эслаган.

РОССИЯЛИК ЗАҲАРЛОВЧИЛАР

Нақл қилишларича, Русь князи Олег кўшин тортиб Царград (хозирги Истамбул) остонасида борганида, византияликлар унинг шаънига ҳамду санолар ёғдиришган, киязга совға-саломлар тортиқ этишган ва ... оғу кўшилган шароб ичиришга уришишган экан.

Борис Годунов доимо заҳарларидан кўркиб юрган. Кечаю-кундуз олти нафар табиб унинг атрофида парвона бўлишган. Шунга қарамай бир куни у лаззатли таомларни мириқиб тановул қилиб бўлгач, ўзини ёмон хис қилган. Оғиз-бурни, ҳатто кулоқларидан қон келиб, икки соат ичиди ўлган. Барча аломатлар унинг заҳарланганинг кўрсатарди.

Иван Калита сулоласининг



Екатерина Медичи

"кўрсатгандай" бўлди. У эри Парижга иш юзасидан кетишини пойлаб, маргимуш сотиб олди. Уни ўзи пиширган пирожнийнинг устига сепиб, хатга қўшиб эрига жўнатди.

Жаноб Лафарж "фамхўр" хотини юборган пирожнийни ейиши билан мазаси қочиб, уйига қайтиб келди ва умр йўлдоши қўлида жон берди.

Лафаржнинг қариндошлари илтимосига кўра тайинланган кўп сонли экспертилар турлича хуласалар чиқариши. Охир-оқибат Мари айбдор деб топилиб, қатл этилди.

Айнан Лафарж хоним иши жарайёнида янги фан – токсикология (заҳаршунослик) ўзини кўрсатди. Энди илмий суд токсикологияси даври бошланган эди. Аммо у ҳам заҳарлашларга чек кўя олмади.

КОТИЛ ҚИЗАЛОҚ

1965 йилда Испанияда юз берган мудхиш воқеа ҳақида жаҳоннинг кўплаб нашрлари хабарлар чоп этишди. Пъедад исмли қизалоқ ўзининг укалари, сингилларини заҳарлайди. Сабаби, ота-онаси уни ишга кўмбид ташлашади. Қўшиларнинг айтишича, у ёш бошига оила аъзоларининг кирини ювади, овқат тайёрлайди, уйиғиширади. Бола бўлиб ўйнашга эса вақти қолмайди.

Алами келган қизалоқ аввал тўққиз ойлик синглиси Марияни ўлдириади. Бир неча кундан кейин беш яшар укаси Мариано ва тўрт яшар синглиси Фуанситанинг гали келади. Энг охирда яқинда туғилган Андресни ўлдириади. Қизалоқ болакайларни ичадиган сутларига маргимуш қўшиб заҳарлайди. У ўз қилмишини айнан кичик ёшлилар кўп ташвиш келтиргани билан изоҳлади.

Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг қарорига кўра Пъедад ёш жиноятчилар тарбия муассасасидаги роҳибтарга топширилди. Интернатда у бажонидил пайпоқ тўқишига кириши, ниҳоят ором ва хотиржамликка эришганидан шодлигини яширмади.

Қизиги шундаки, эркаклар ўз жониги қасд қилганда ҳам, душманларига қарши ҳам камдан кам ҳолларда заҳардан фойдаланишар экан.


Хориж матбуоти
материаллари асосида
тайёрланди.



сабаб бўлаётган экан. Қизча ҳақиқатан ҳам бир хафталар бурун жавдар донини ўйнаб, бир донасини қулогига тиққанини тан олди. Кулай мухитга тушган уруғ униб чиқа бошлаган экан...

Ганновер (Германия)лик бошқа бир болакай иккни яшарлигига танга ютиб юборади. Шифокорлар текшириб кўриб унинг ичидан ҳеч нарса топишмади. Аммо шундан сўнг болакай озиб кетди, иштаҳаси ёмонлаши, кураклари ости оғрийдиган бўлди. Орадан йиллар ўтаверди. Ота-онаси ҳаргал Мирко билан шифокорга боришигандан унинг жавоби битта эди: "Ҳеч нарса йўқ!" Ниҳоят бола 13 ёшга тўлганда рентгенолог тасодифан унинг қизил-

ҳамма металл буюмларни қолдирса ҳам, текширувчи аппарат тинимисиз жирингларди. Охири у оиласвий шифокорга мурожаат қилганида, рентгенга юборди. У ерда ичидаги 33 сантиметр узунликдаги металл пластинка борлигини аниқлаши. Операция йўли билан олиб кўришса, у жарроҳлар фойдаланадиган асбоб-ретрактор бўлиб чиқди. Илгари Дональдинг шишини олиб ташлаш учун Вашингтон университети касалхонасида тўрт соат мобайнода операция



Бошдаги мих

2003 йил январида Анапова ахборот агентлиги қизик хабар тарқатди. Тайванлик бир киши узоқ йиллар йўталдан азоб чеккан. Унинг ўнг кураги остидан тиккув нинасини олиб ташлашгач, у йўталдан халос бўлган. Тайбейлик рентгенолог Чу Минг-Хванг беморнинг рентген тасвирини кўздан кечираётган пайтда унинг кураги остига нимадир санчилганини пайқаб қолган. Нина танага шунчалик чуқур ботган эканки, ўпкага етишига озгина қолган, асаб хужайралари эса жароҳатланган, албатта. Мижоз курагига нима санчилганини эслолмади, аммо хотини бир пайтлар эрхотин ётадиган ўрин устида нинасини йўқотиб кўйганлигини хотирлади. 1994 йилда Хитойнинг денгизбўйи вилоятларидан бирида яшовчи Жанг Мейхуа исмли аёлнинг миясини операция килишганда ҳам нина чиқсан эди. Аёл шўрлик 20 ёшга тўлганда кўл-оёқларини қимирлатиши, умуман ҳаракатланиши қийинлашган. Ҳеч бир дори-дармон фонда бермаган. Ниҳоят Пекиндаги ҳарбий шифохонада унинг бош чаноги текшириб кўрилганда хасталик "сабабчиси" топилган.

Англиялик 34 ёшли Крис Браун сурункали йўталдан 2003 йил февраляда кутуди. У ўсмирилигидаги боғда ўртоқ-

ОДАМНИНГ ИЧИДА НИМАЛАР ЙЎҚ ДЕЙСИЗ...

лари билан ўйнаб юради. Ўйин пайти нима бўлди сарв дараҳтининг майдаги шоҳчаси нафас ўйлига кетиб қолди. Криснинг нафаси сиқди, томоги қиҷиди. Кўп бора рентненга тушса ҳам, тасвирда шоҳча кўринмасди. Шу-шу сурункали йўталағидиган бўлиб қолди. Кўкрак қафаси қаттиқ оғрир, ухлашга қийналар, ухлаганда ҳам кучли йўталдан ўйғониб кетарди. Ниҳоят 2003 йил 25 февралга ўтар кечаси йўтал тоза қийнаб юборди. У тўйиб нафас олиш учун ўрнига ўтириб кўксига муштлади. Шунда бехосдан шоҳча отилиб чиқди. Ниҳоят, орадан 20 йил ўтиб у азобдан қутулди.

И сроилда янайм қизик воқеа юз берди. Олти яшар қизча қулоғи қаттиқ оғриётганидан шикоят қилди. Мутахассислар унинг қулоғини текшириб кўриб ҳайрон қолиши. Оғриққа кулоқ бўшлиғида кўкара бошлаган жавдар уруғи

ўнгачида танга борлигини пайқаб қолди. "Болангиз шунча пайт тирик юрганинг ўзи мўъжиза", – деди у.

Б азан кишининг ичидаги бегона жисмни олиб ташлаш учун операцияга ўхат қолмайди. Масалан, 1944 йилда Нормандияда жанг қилганида Жо Де-Марконинг бошига ўқ теккан эди. Уруш фахрийси 1993 йил 18 апрелда ўз уйида телевизор кўриб ўтирганида йўтал тутди. У томоқ қириб туфлаганини билди, тупуги билан кўшилиб ўша ўқ ҳам тушди.

Танага бегона жисмлар уруш, жангу жадалдан бошқа пайт ҳам кириб қолади. Шу маънода айниқса, Дональд Чернинг бошидан кечирганлари ҳам кулгули, ҳам қайгули. 49 ёшида зарапли шишини олиб ташлаш учун уни операция килиши. Шундан сўнг салгина кескинроқ ҳаракат қилса ҳам ҳаммаёғи зирқираб оғрийдиган бўлди. Аэропортларда ёнидаги

қилишганда, шифокорлар азбаройи чарчашанидан асбобни беморнинг ичидаги унтутиб қолдирган бўлишса керак. Касалхона мъмурияти ўз айбидан тонмади, мижозга 65 минг АҚШ доллари микдорда товош пули тўлади.

Умуман, статистик маълумотларга қараганда, жарроҳлар ҳар 20 минг операциянинг биттасида бемор ичидаги нимадир унтутиб қолдиршишар экан. Дейлик бир парча марли ёки кичкина нина. Аммо 33 сантиметрлик жарроҳлик асбоби қолдириш камдан-кам ҳолат, албатта.

Ҳ аётда бундан ҳам қизик воқеалар учрайди. Техас штатининг Хьюстон шаҳрида 56 ёшли дурадгронинг бошига узунлиги 7,6 см келадиган мих санчиллиб қолди. Воеа бундай бўлди. Тепада устанинг ҳамкашиби таҳтага автоматик тўппонча ёрдамида мих қоқаётган эди. Тўсатдан таҳта зарбага дош беролмай ёрилиб кетди. Мих учуб

келип пастда ишлётган дурадгронинг бошига санчилди. Хайриятки унинг миясига шикаст етмади. Шифокорлар жарроҳлик ёрдамида зудлик билан михни сугуриб олиши.

Эронлик қиз ошқозони анчадан бўён тинимисиз оғришини айтганида шифокор аввалига унинг овқат ҳазм қилиш тизими фаолияти бузилган, деб ўйлаганди. Операция чоғида бемор ошқозонидан соқол олиш учун ишлатиладиган пискалар, михлар, тўғнағичлар чиқди. Жами "металлолом"-нинг оғирлиги ярим килограммдан ошарди. Қиз бу "егуликлар"ни асабини тинчлантириш учун ямламай ютар экан. "Қаранг-а, қорнимнинг оғрифи қолди", – деди у кулиб операциядан сўнг.

Колумбияда янада ҳайратланарли воқеа қайд этилди. 72 ёшли онахон касалхонага ётқизилди. У қорни муттасил оғришидан шикоят қилар эди. Рентген кампиршо 40 йил давомидаги ҳомиласини қорнида кўтариб юрганини кўрсатди. Аниқроғи, бачадондан ташқарида пайдо бўлган бола ривожланолмай нобуд бўлиб, мўмиёға айланниб қотиб қолган эди. Кўриб турганингиздек, қорин доимо ҳам ёқмаган нарса еганингиздан оғрийвермайди.

Хориж матбуоти материаллари асосида тайёрланди.

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Республика ИИВ махсус милиция бўлими-нинг бўлинма бошлиги, милиция подполковниги Темурлўмат Ализович АМИНОВни 50 ёшга тўлганда билан самимий табриклаймиз. Ҳамкашимизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, оиласвий хотиржамлик ва ишларида катта ютуқлар тилаймиз.

Бўлим раҳбарияти ва шахсий таркиби.

Ичишилар идораларининг фахрийи, истеъфодаги милиция подполковниги меҳрибон отажонимиз Абдусаттор АБДУРАИМОВни таваллуд топган кунлари билан табриклаймиз. Падари бузрукворимизинг яна кўп йиллар саломат бўлиб, даврамизни тўлдириб юришларини Яратгандан сўраймиз.

Оила съязолари ва фарзандлари.

МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

Келгуси ҳафта учун



Қўй. Мазкур ҳафтада иш билан боғлиқ муаммоларни аста-секин ҳал этасиз. Аммо шанба кунгача дўйстларингизга ёрдам беришингиз туфайли режалаштирилган айрим вазифалар бажарилмай қолади. Ишингиз кўп бўлишига қарамай маданий ҳордик қиқаришга эътибор беринг.



ҚИСҚИЧБАҚА. Ҳафтанинг охирига бориб кўплаб қарамакаршиликлар барта-рафа этилади. Саломатлигингизни тикилаб, қарз масаласини ҳал этасиз. Ҳаридлар ва транспортни жиҳозлаш билан машғул бўлишингиз мумкин. Имкониятга қараб иш тутинг.



ТАРОЗИ. Эгизаклар ва қофалар билан бирга бўлсангиз, бошқа буржда таваллуд топғанларга нисбатан ўзингизни баҳтиёри хис этасиз. Пайшанбадан ташқари кунлар янги танишлар ортиришингиз мумкин. Яқинларингиздан бирортасининг соғлиги ёмонлашиб колиши эҳтимолдан холи эмас. Турли хилтаомлар истемол қилиб, кўпроқ дам олишга ҳаракат қилинг.



ТОФ ЭҶҚИСИ. Ушбу ҳафтада ишхонадаги саъи-ҳаракатларингиз самара бера бошлайди. Раҳбарлар сиз билан яхши муносабатда бўладилар. Танангизда куч-куват кўпаяётганини хис этасиз. Душанбадан ташқари кунлар сафарга боришингиз мумкин. Талайгина фойдали учрашувлардан кайфиятингиз кўтарилади.



СИГИР. Дастрлабки иккни кун мухим воқеалар рўй беради. Душанба куни эркин ҳаракат қилалини. Сешанба кундан бошлаб эса иш жойингизда кувончи ўзгаришлар кутилмоқда. Ҳонадонингизга керакли жиҳозларни харид қиласиз. Бироқ дам олиш кунгача келгусида бажаришингиз лозим бўлган ишлар мавҳум бўлиб қолади.



АРСЛОН. Бир ойлик танағусдан сўнг яна фаоллигингиз ошади. Яхшигина фойда келтирадиган шериллар топасиз. Яқинларингиз билан мулокотдан сўнг миянгизда талайгина гоялар тутилади. Сафарлар кўнглил ўтиб, мавқенинг яхшиланишида мухим аҳамият касб этади. Дастрлабки иккни кун давомида шахсий масалалар ва тиқорат борасида муракабликлар юзага келиши эҳтимоли бор.



ЧАЁН. Ушбу ҳафтада ҳайналиб қолсангиз чоршанба ва пайшанба кунлар атрофингиздаги одамлардан ёрдам сўранг. Сешанба куни бёлгиланган ишларни мустақил бажарганингиз мъяқул. Оилангиздаги муносабатларни яхшилаб олишга муваффақ бўласиз. Ички туйгунингиз ҳаётдан ўз ўрнингизни топиш имконини беради.



ҚОҒА. Калбинизни ишқ-муҳаббат эгаллаб олади. Атрофингиздаги одамлар билан жиддий муносабатда бўлмаганингиз мъяқул. Чунки кўпчилик буни тўғри тушунмайди. Бирор жойга бориш ҳақидаги таклифларни рад этасликни маслаҳат берамиз.



ЭГИЗАКЛАР. Ҳаётингизда талайгина хайрли ўзгаришлар рўй беради. Бу айниқса чоршанба ва пайшанба кунлар намоён бўлади. Узоқ қариндошингиз ёки молиявий масалалар ташвишга солиши мумкин. Шу сабабли анчадан бери режалаштириб келинаётган сафарларга бора олмайсиз.



БОШҚОҚ. Мазкур ҳафтада келгусида юзага келадиган муаммоларни ҳал этиш учун куч-куват тўплашигизга тўғри келади. Ишларни юритиб юриши учун бор имкониятдан унумли фойдаланиши маслаҳат берамиз. Ишхонангизда тушунмовчилик келиб чиқади.



ЕЙ. Дастрлабки кунлар саломатлигингиз билор ёмонлашибади. Ишлар ҳам кўпайиб кетиши мумкин. Қандай вазият юзага келмасин ўзингизни қўлга олишни маслаҳат берамиз. Дўйстларингиз билан мулокот кутилмоқда. Миянгизни ёқимли ўй-ҳаёллар банд этади.



БАЛИК. Ушбу ҳафтада ичиши мумаммоларни ҳал этиш билан машғул бўласиз. Мавъум муддат шахсий муносабатлардан кўра амалий ишлар мухим аҳамият касб этади. Бажарилётган юмушлардан кўнглигингиз тўлади. Дам олиш кунларни дўйстлар даврасида ўтказиш катта маънавий озука беришини унутманг.

ДУШАНБА,

22

ЎзТВ - I

- 6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.45 "Тахлилнома".
8.45 "Камалак". Болалар учун кинодастур.
9.10 Мусикӣ танафус.
9.25 "Бизнес-ҳафта".
9.40 "Қўрсатувдан-қўрсатувгача".
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР.

10.05 "Алп йигитнинг уйла-ниши". Бадий фильм.

11.10 Ўзбекистон телера-диокомпанияси Дони Зо-киров номидаги ҳалқ ҷолғу оркестрининг концерти.
11.30 Теннис. Осиё чемпи-онати.

13.30 "Обод ўйда пок одам-лар яшайди".

13.50 TV клип.

14.10 NHK тақдим этади: "Буюк Илак йўли". Телесе-риал премьерааси.

15.00 "Нурли манзиллар".
15.15 "Рим таътиллари".

Бадий фильм.

"Болалар сайдераси":
17.00 1. "Гаройибентга са-ёхат". 2. "Олтин тоҳ". Телевизион ўйин.

18.10 "Ўзбектелефильм" на-мойиши: "Абдухалик Фижудоний". Премьера.

18.20 "Олтин мерос".
18.35 "Умр мазмуни".18.55 Бир жутт кўшик.
19.05 "Мулкдор".

19.25, 19.55, 20.25, 21.00 ЭЪЛОНЛАР.

19.30 "Ахборот" (рус тили-да)

20.00 Оқшом эртаклари.

20.15 Биржава банк хабар-лари.

20.30 "Ахборот".

21.05 2003 йил - Обод маҳалла йили. "Кўпчилик каторида".

21.25 "Келин-куёв". Теле-шоу.

- "Спорт" дастури:
22.15 1. Теннис бўйича Осиё чемпионати кундалиги. 2. Болалар спорти: "Спорт иншоотлари".
22.55 "Қўшигимиз Сизга армуғон".

23.15 "Япония: турмуш тарзи". Ҳужжати телесериал.

23.35 "Ахборот-дайжест".
23.55-24.00 Ватан тимсолари.

20.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР.

10.05 "Алп йигитнинг уйла-ниши". Бадий фильм.

11.10 Ўзбекистон телера-диокомпанияси Дони Зо-киров номидаги ҳалқ ҷолғу оркестрининг концерти.
11.30 Теннис. Осиё чемпи-онати.

13.30 "Обод ўйда пок одам-лар яшайди".

13.50 TV клип.

14.10 NHK тақдим этади: "Буюк Илак йўли". Телесе-риал премьерааси.

15.00 "Нурли манзиллар".
15.15 "Рим таътиллари".

Бадий фильм.

"Болалар сайдераси":
17.00 1. "Гаройибентга са-ёхат". 2. "Олтин тоҳ". Телевизион ўйин.

18.10 "Ўзбектелефильм" на-мойиши: "Абдухалик Фижудоний". Премьера.

18.20 "Олтин мерос".
18.35 "Умр мазмуни".18.55 Бир жутт кўшик.
19.05 "Мулкдор".

19.25, 19.55, 20.25, 21.00 ЭЪЛОНЛАР.

19.30 "Ахборот" (рус тили-да)

20.00 Оқшом эртаклари.

20.15 Биржава банк хабар-лари.

20.30 "Ахборот".

21.05 2003 йил - Обод маҳалла йили. "Кўпчилик каторида".

21.25 "Келин-куёв". Теле-шоу.

18.00, 22.10 "Экспресс" телегазетаси.

18.05 Болажонлар экрани.

18.10 "Ўзбек таомлари" ("Ўзбектелефильм")

18.30 "Шарқ тароналари".
18.50 "Олтиң бешик".19.10 "Тафсилот".
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 ЭЪЛОНЛАР.

19.30 "Ахборот" (рус тили-да)

20.00 Оқшом эртаклари.

20.15 FCN "Ўзбекистон ян-гиликлари" (инглиз тилида)

20.30 "Ахборот".

21.05 "Фарз ва қарз".
21.25 TV клип.

21.35 "Ошин". Телесериал.

"Спорт" дастури:

22.35 1. Теннис бўйича Осиё чемпионатининг очи-лиси ва саралаш ўйинла-ри. 2. От спорти бўйича жаҳон кубоги.

00.05 "Ахборот-дайжест".
00.25-00.30 Ватан тимсоли-лари.

22.40 TV-анонс.

18.30, 20.00, 20.40, 22.15 "Пойтаҳ" ахборот дастури.

18.45 "Табриклиймиз-кут-лаймиз".

19.05 "Хориж ҳабарлари".
19.15 TTVда сериал. "Айри-лик азоби". /яқунловчи/.

20.20 "Халқ саломатлиги йўлида".

20.55 "Avto-news".

21.10 "Хусусийлаштириш: қадам-бакадам".

21.30 TTVда сериал. "Лўли-нин бахти".

22.35 Кинонигоҳ, "Женжер Фред".
23.55-24.00 Ватан тимсоли-лари.

00.35-00.40 Хайрли тун, шахрим!.!

22.10 "Спокойной ночи, малыши!"

21.30 "Воздушные терро-ристы", триллер.

23.15 Спорт на 30-м. Про-фессиональный бокс.

22.10 "Орталаш".

21.10 "Человек и закон".

22.35 Фильм "Орел и решка".

9.50 "Путешествия натура-листа".

10.20 "Ералаш".

10.40 Следствие ведет Ко-лобков.

11.20 Ток-шоу "Город жен-щин".

12.10 Боевик "Буллит".
14.20, 23.50 "Фабрика звезд-3".

14.40 "Ералаш".

15.00 Сериал "Берег меч-ты".

16.00 "Большая стирка".

17.00 Вечерние новости (с субтитрами).

17.30 "Смехопанorama".

18.00 "Земля любви, зем-ля надежды". Сериал.

19.00 Жди меня.

20.00 Время.

20.30 Телесериал "Две судьбы".

21.40 "Театр кукол".

22.10 "Криминальная Рос-сия".

22.45 "Ёшлар" телеканалида спорт дастури: Интер-футбол.

22.55 Гача профилактика ишлари.

18.00, 22.10 "Экспресс" телегазетаси.

18.05 Болажонлар экрани.

18.10 "Ўзбек таомлари" ("Ўзбектелефильм")

18.30 "Шарқ тароналари".
18.50 "Олтиң бешик".19.10 "Тафсилот".
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 ЭЪЛОНЛАР.

19.30 "Ахборот" (рус тили-да)

20.00 Оқшом эртаклари.

20.15 FCN "Ўзбекистон ян-гиликлари" (инглиз тилида)

20.30 "Ахборот".

21.05 "Фарз ва қарз".
21.25 TV клип.

21.35 "Ошин". Телесериал.

"Спорт" дастури:

22.35 1. Теннис бўйича Осиё чемпионатининг очи-лиси ва саралаш ўйинла-ри. 2. От спорти бўйича жаҳон кубоги.

00.05 "Ахборот-дайжест".
00.25-00.30 Ватан тимсоли-лари.

22.40 TV-анонс.

18.30, 20.00, 20.40, 22.15 "Пойтаҳ" ахборот дастури.

18.45 "Табриклиймиз-кут-лаймиз".

19.05 "Хориж ҳабарлари".
19.15 TTVда сериал. "Айри-лик азоби". /яқунловчи/.

20.20 "Халқ саломатлиги йўлида".

20.55 "Avto-news".

21.10 "Хусусийлаштириш: қадам-бакадам".

21.30 TTVда сериал. "Лўли-нин бахти".

22.35 Кинонигоҳ, "Женжер Фред".
23.55-24.00 Ватан тимсоли-лари.

00.35-00.40 Хайрли тун, шахрим!.!

22.10 "Спокойной ночи, малыши!"

21.30 "Воздушные терро-ристы", триллер.

23.15 Спорт на 30-м. Про-фессиональный бокс.

22.10 "Орталаш".

21.10 "Человек и закон".

22.35 Фильм "Орел и решка".

14.40 "Ералаш".

15.00 Сериал "Берег меч-ты".

16.00 "Большая стирка".

17.25 "Внимание: РО-зыски!"

18.35 Сериал "Улицы раз-битых фонарей-IV".

19.45 "ЧЕРНЫЙ ВОРОН". 9-я серия.

20.50 Сериал "МОСКВА".

21.30 "КРАСНАЯ СТРЕЛА".

21.55 Сериал "КЛАН СО-ПРАНО".

22.15 "СТРАНА И МИР".

23.50 "ГОРДОН".

Док. фильм.

14.00 "ИСТИННАЯ ЛЮ-БОВЬ". Теленовела.

14.55 Классика юмора.

15.50, 21.20 "ПАССАЖИР БЕЗ БАГАЖА". Телесериал.

17.00 "Fox Kids": "Супер-шоу братьев Марио".

18.20 Комедия "ЗАГЕЛЕНЫЙ ФУРГОН". 1-я серия.

20.55 "Симпсоны". Мульт-серия.

1.30 "Лучшие шоу мира".

2.25 Ночной музыкальный канал.

**ОРТ, 22 сентябрь, душанба
12.10. "БУЛЛИТ", жангари фильм, АҚШ**

Полиция изқувари Фрэнк Буллит мұхым гулохни иккі кечә-күндүз давомида құриқлаши лозим эди. Сенат комиссияси Сан-Франциско да юз берган, катта шовшуга сабаб бұлған жиңінітни ўрганишга киришади. Буллит құриқлаши керак бұлған Жонни Росс душанба куни мағия етакисига қарши гулохник бериши лозим эди. Аммо күтілмаган ходиса юз беради: иккі нафар ёлланған қотил Росс ҳамда иккі полициячини ўлдириб кетишади. Жүръатты ва қатыншылар Буллит масаланы үзи ҳал этишга қарор қылады: у қотилларни ҳам, бүртмачиларни ҳам топлади.

Режиссёр – Питер Йейтс. Ролларда: Стив Мак Куин, Роберт Вон, Жаклин Биссет, Роберт Дювалл, Дон Гордон да бошқалар.



**РТР, 23 сентябрь, сешанба
21.40, "ГАРЛЕМ ТҮНЛАРИ", криминал комедия, АҚШ.**

Гарлемде Браунага тенг келади-ған гүзәл йүк. У Живчик лақаби билан маылум ва машхур. Живчик-нинг түппончаси, үткір ақли ва ач-чиқ тили бор. Айнаңан у үгай отасига қарашли түнги клубни дахшатли Багзи Колхуна тұдаси әгаллаб олишига йўл қўймаслиги керак. "Қариндошлар" бирлашиб очқўз гангстерларга усталик билан тузық қўйишиади.

Режиссёр – Эдди Мерфи. Ролларда – Дэнни Айелло, Ричард Прайор, Майкл Лернер, Эдди Мерфи, Редд Фокс, Делла Рисс.



**ТНТ, 24 сентябрь, чоршанба
21.00. "МАЙ ШАРОБИ", романтик комедия. Франция – АҚШ.**


Хакиқи-америкалик хоним Лорейн қизи билан Парижга қордик чиқарыш учун йўл олади. У ерда иккі ҳам француз шифокорини қаттиқ севиб қолышади. Үларнинг хар қайсиси үзини ягона деб билади.

Режиссёр – Кэрол Уайзмен. Ролларда: Жоанна Кессиди, Лара Флин Бойл, Ги Маршан.

**ТВЦ, 25 сентябрь, пайшанба
21.00 "А-2 ЛОЙИҲАСИ", жангари комедия. Гонконг.**

Денгиз қароқчилари тұдаси бутун Гонконгни дахшатта со-лишади. Ҳокимият вакилларининг жино-ятчиларни зарарсизлантиришга қарата тилган барча уринишлари барбод бўла-веради. Тар-тиб ўрнатиш учун шахар ҳукумати янги шериф тайналайди. Аждаҳо лақабли сер-жант Мао гайрат билан ишга киришади.

Режиссёр – Жеки Чан. Ролларда: Жеки Чан, Мэгги Ченг ва бошқалар.



ЧОРШАНБА, 24

ЎзТВ - I

13.15 Бугуннинг ёшлари.
13.35 Ёшлар телеканалида спорт дастири: 1 Нокаут. 2 Тенисс.
14.35 Мусиқий лаҳзалаар.
14.45 "Учнинчай сайёра".
15.35 Автолатруп.
15.55 "Олмазор". Бадий фильм.
17.15 TV - анонс.
17.20 Құрсаутвлар дастири.
17.25 "Янги авлод" студияси: Оқ кабутар.
17.45 "Кузя учун уй". Мультифильм.
18.05 Үйна, болажон, үйна.
18.20 Меннинг маҳаллам.
18.35 TV - анонс.
18.40 Каталог.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иклизим.
19.00 Даэр.
19.35 TV - анонс.
19.40 Ёшлар овози.
20.00 Спорт - лото.
20.10 Мусиқий лаҳзалаар.
20.20 Чемпион сирлари.
20.40 TV - адвокат.
20.45, 21.30, 22.35 Эълонлар.
"Болалар сайёраси":
16.45 1. "Кизикарли учрашувлар". 2. "Болаликнинг мөвзий осмони".
18.10 "Саргуаштлар ороли". Телешоу.
18.45 "Хунарманд".
19.05 "Куйла, ёшигим".
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 ЭЪЛОНЛАР.
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
20.00 Окшом эртаклари.
20.15 "Юзма-из".
20.30 "Ахборот".
21.05 Саньят усталарининг концерти.
21.25 "Ошин". Телесериал.
22.25 "Парламент вакти".
"Спорт" дастири:
22.45 1. Тенисс бўйича Осиё чемпионати кундаглиги. 2. От спорти бўйича жаҳон кубоги.
23.35 TV клип.
